

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020 Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЯДГАРОВА ОЗОДА ИБРАГИМОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ-  
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Pedagogical science**

**Ядгарова Озода Ибрагимовна**

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини  
ривожлантириш механизмлари..... 3

**Ядгарова Озода Ибрагимовна**

Механизмы развития профессионально-коммуникативной компетентности  
будущих учителей ..... 23

**Yadgarova Ozoda Ibragimovna**

Mechanisms for the development of professional-communicative competence of  
future teachers ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020 Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЯДГАРОВА ОЗОДА ИБРАГИМОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ-  
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped1316 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ибраимов Холбой Ибрагимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Тайланова Шохид Зайниевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Шарипова Сурайё Бурхановна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот** **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.01.2020 Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)239-13-87; факс: (+99866)239-12-29; e-mail [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866)239-11-51;

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Ураков**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати:** Жаҳонда таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имконини берадиган фаолият сифатида қаралиб, педагогик кадрлар профессионал фаолиятининг турли босқичларида уларнинг касбий маҳоратини ва коммуникатив малакаларини баҳолаш масаласи муҳим муаммолардан бирига айланмоқда. Айниқса, таълим муассасаларида таълим шаклининг ўзгариши, янги шароит ва муҳитда ишлаш зарурати ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган талабнинг ортиши, уларнинг функционал мажбуриятларининг кўпайиши ва профессионал-коммуникатив малакаларини кенгайтиши эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Дунё миқёсида ўқитувчиларни профессионал фаолиятга тайёрлаш ва уларни жамиятдаги нуфузини ошириш, касбий-педагогик фаолият билан боғлиқ компетенцияларни шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўқитувчиларини профессионал фаолиятга тайёрлаш, уларда зарурий касбий сифатлар ва кўникмаларни шакллантириш, касбий етукликни ривожлантириш, шунингдек ўқитувчиларнинг профессионал компетентлигини шакллантириш, уларни профессионал фаолиятга тайёрлаш муаммоларига қаратилган тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан биргаликда бўлажак ўқитувчиларининг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таълим сифати, умумий ва махсус компетенция, инструментал, шахслараро ва тизимли компетенциялар мазмунини аниқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги аниқ мақсадга эришишга қаратилган давлат сиёсати ижтимоий жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. “таълим сифатини тубдан ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланиб, бунда мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, олий таълим муассасаларининг QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланиб, ёшларга таълим бериш, уларнинг нутқий кўникмаларни ўстириш, мулоқот қилишга ўргатишда бўлажак ўқитувчиларни жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган мутахассис сифатида тайёрлаш, уларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини шакллантириш, ижодий потенциали ва педагогик маҳоратини намоён этиш компетенцияларини ривожлантириш механизмларини илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқотимиз муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** ўқитувчиларини профессионал фаолиятга тайёрлаш, уларда зарурий касбий сифатлар ва кўникмаларни шакллантириш масалалари Республикамиз олимларидан В.Сериқов, Э.Зеер, Ҳ.Абдукаримов, Н.Муслимов, Н.Алимов, Я.Хайдаров, Ш.Шарипов, Н.Сайидахмедов, О.Хайдаровалар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек Г.Боқиева, Ж.Жалолов, Т.Сатторов, Г.Т.Махкамова, Л.А.Ахмедова, М.Т.Ирискулов, Ф.Рашидоваларнинг тадқиқотларида хорижий тилларни ўқитиш методикасига оид муаммолар атрофлича ёритилган .

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий етуқлигини таъминлашнинг самарали технологиялари моҳияти Н.М.Боритко, Н.Н.Азизхўжаева, С.С.Булатов, Э.Рўзиев, М.Г.Давлетшин, Ў.Қ.Толипов, Н.К.Сергеев, Н.М.Эгамбердиева, Ф.Р.Юзликаев, Х.Юлбарсоваларнинг изланишларида ўз ифодасини топган.

МДХ давлатларининг бир гуруҳ олимлари томонидан ҳам ушбу масала ўрганиб чиқилган. Масалан: ўқитувчиларнинг проффесионал компетентлиги масаласи (А.А. Воротникова, А.Л. Бусигина, О.Н. Загора, Е.С. Врублевская, А.В.Ефанов, Н.В. Матяш, Ю.В. Койнова, Г.С. Сухобская, С.В. Мелешина, Н.В. Харитоновна.); профессионал–педагогик компетентлиги масаласи (Н.Н. Лобанова); психологик-педагогик компетентлик масаласи (Н.В. Остапчук) атрофлича талқин этилган.

Шунингдек, педагогнинг касбий компетенциясини ривожлантириш борасидаги қарашлар (Э.А. Гришин, П.Р. Атутов, Ю.К. Васильев, Н.В. Кузьмина, В.А. Крутецкий, В.А. Слостенин, Л.М. Митина, А.И. Щербаков); инсоннинг ривожланиши ва унинг шаклланиши масаласини ёритувчи психологик назариялар (С.Л. Рубинштейн, А. Абульханова-Славская, В.С. Мерлин, Д.А. Леонтьев, Д.Б. Эльконин, М.Г. Давлетшин, В. Каримова, В.С. Ильина, А.Н. Леонтьев, Ғ.Б. Шоумаров) ҳам ўқитувчиларни профессионал фаолиятга тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Хорижлик олимлардан M.Ven-Perets, S.Braun, D.Voll, Dj.Gudlad, B.L.Vulfson, E.Gordon, M.Lambert, Dj.Xerbst, I.Gudon, B.Mun, D.Loton, K.Strayk, U.Taylor, M.Tores, S.Feyman-Nemser ва бошқалар замонавий ўқитувчиларни профессионал фаолиятга тайёрлаш масалалари билан шуғулланишган.

Бирок, айнан бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш борасида алоҳида илмий изланишлар олиб борилган ҳолатлар кам учрайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот режасининг “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари” банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

педагогик ва психологик адабиётлар, ўқув-услугий ҳужжатлар, фалсафий, тарихий манбаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг амалдаги ҳолатини аниқлаштириш ва унинг педагогик-психологик жиҳатларини асослаб бериш;

бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир илғор хорижий тажрибаларини таҳлил этиш асосида миллий тажрибани бойитиш;

бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга ёрдам берувчи методлар, таълимни ташкил этиш шакллари, восита ва шарт-шароитларини аниқлаштириш, уларнинг дидактик механизмларини такомиллаштириш;

коммуникатив ўйинлар ва машғулотлар асосида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлаш имконини берувчи тренинг дастурини ишлаб чиқиш.

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда googlescholar, elibrary, sciencedirect, scopus халқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Фарғона давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетининг 546 нафар Хорижий тил ва адабиёти ҳамда Педагогика ва психология йўналиши талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предметини** бўлажак ўқитувчиларнинг (Хорижий тил ва адабиёти ҳамда Педагогика ва психология йўналиши) профессионал-

коммуникатив фаолиятга тайёрлаш мазмуни, омиллари, шакл, метод ва воситалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Анализ-синтез, педагогик лойиҳалаш, суҳбат, педагогик кузатиш, анкета, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гуманитар таълим йўналиши бўлажак ўқитувчиларининг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таълим сифати, умумий ва махсус компетенция, инструментал, шахслараро ва тизимли компетенциялар мазмуни аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги касбий фаолият учун лозим бўлган компонентлар интеграцияси сифатида асосланиб, унинг когнитив-гносеологик, фаолият-эвристик, шахсий-ижтимоий компонентлар мазмуни аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш мақсадида googlescholar, elibrary, sciencedirect, scopus ҳалқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланишга доир қўникма ва малакаларини шакллантирувчи ахборот методик таъминот, коммуникатив тренинг ишланмалар ва аудиториядан ташқари машғулотларни ўтказиш самарадорлигини эмпирик баҳолаш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни ижтимоий фаолият, маданият, ўзига хослик, ўз-ўзини ривожлантириш, мулоқот каби элементлар орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда замонавий таълим методларидан фойдаланиш намуналари тавсия этилган;

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашда қўлланиладиган коммуникатив тренинглар ва ҳалқаро илмий-маълумотлар базасидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган;

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ва бўлажак педагогларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги мезонлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот муаммосига илмий-назарий, психологик-педагогик ёндашув, унинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган усуллардан фойдаланиш, кенг қўламли кетма-кет экспериментал ишлар, педагогик тадқиқот натижаларини математик ва статистик аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, улар эълон қилинган илмий мақолаларда, республика ва қўшни давлатлар илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда ўз ифодасини топган ва тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда муаммони ҳал этишга қаратилган илмий-методик, назарий қарашлар, илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, ҳамда, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини шакллантириш ва

ривожлантиришга қаратилган методик тавсияларнинг тамойиллари, мазмуни, самарали воситалари, таълим шакллари, психологик имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва методик тавсиялардан педагогик таълим йўналиши мавжуд барча ОТМларда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулот материалларини ишлаб чиқиш, натижада етук касбий-профессионал, коммуникатив компетентли ўқитувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, фойдаланиш, шунингдек, уларни ўқитувчиларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўллаш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни унинг ижтимоий фаолият, маданият, ўзига хослик, ўз-ўзини ривожлантириш, мулоқот каби элементлари мазмунини таҳлил қилиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 февралдаги 02-07-306/04-сон маълумотномаси). Натижада илмий педагогик, психологик, фалсафий, тарихий манбаалар асосида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг амалдаги ҳолатини аниқлашга имкон яратилган;

гуманитар таълим йўналиши (5111400-Хорижий тил ва адабиёти ҳамда 5110900-Педагогика ва психология йўналиши) бўлажак ўқитувчиларининг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини (таълим сифати, умумий ва махсус компетенция, инструментал, шахслараро ва тизимли компетенциялар мазмуни) ривожланган давлатлар тажрибаларини қиёсий солиштириштириб, аниқлаштиришга доир таклифлар Тошкент давлат педагогика университетининг ЁА-1-22 рақамли “Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 февралдаги 02-07-306/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларини профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир илғор хорижий тажрибаларни таҳлил этиш асосида миллий тажрибани бойитишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги касбий фаолият учун лозим бўлган компонентлар интеграцияси сифатида таҳлил қилиниб, унинг когнитив-гносеологик, фаолият-эвристик, шахсий-

ижтимоий компонентлари мазмуни такомиллаштиришга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университетининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 февралдаги 02-07-306/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларини профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган; бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш мақсадида googlescholar, elibrary, sciencedirect, scopus халқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ахборот методик таъминоти, коммуникатив тренинг ишланмалари ва аудиториядан ташқари машғулотларни ўтказиш бўйича қўлланмалар самарадорлигини эмпирик баҳолаш асосида аниқлаштиришга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университетининг ЁА-1-22 рақамли “Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 февралдаги 02-07-306/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларини профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзуси долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Мавзунинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган бўлиб, мазкур бобда бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида таҳлил қилиб берилган, уларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашга доир хорижий тажрибалардан наъмуналар келтирилган, шунингдек, республикамиз ОТМларида (педагогик йўналишли) бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлашнинг бугунги кундаги мавжуд ҳолати, мавжуд муаммолар ва ушбу муаммоларни ҳал этишда муаллифнинг таклиф ва мулоҳазалари баён этилади.

Шунингдек, мазкур бобнинг мазмунида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш мураккаб ва гетерохрон жараён бўлиб, узлуксиз таълим тизими уларда касбий зарур бўлган сифатларни шакллантириш ва профессионал фаолиятга тайёрлаши лозимлиги, Бутунжаҳон Иқтисодий формула эълон қилинган, 2020 йилдан кейин мутахассислардан талаб қилинадиган 10 та касбий сифат номлари келтирилади.

Биринчи параграфда профессионал (мутахассис), профессионализация (касбий шаклланиш), профессионализм (касбий ривожланиш), компетентлик, малака, касбий етуклик каби тушунчалар мазмуни изоҳланиб, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда мазкур сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилади. Компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Каби саволларга жавоб изланади.

Ушбу параграф мазмунидан англаниладики, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги фақатгина касбий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахсий сифатлар мажмуи сифатигина эмас, балки, мулоқот қила олиш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантириш, касбий фаолиятга ижодкорлик ва масъулият билан ёндашиш кабиларни қамраб олади. Чунки ўқитувчи фақатгина билимли, ўз соҳасида илғор шахс эмас, балки ана шу ўзида мавжуд бўлган билим ва интеллектуал захирани бошқаларга ҳам етказа оладиган, назарий билимларини амалиётда қийинчиликсиз қўллай оладиган, рефлексив, коммуникатив перцептив малакалар соҳиби бўлиши лозим. Профессионал-коммуникатив компетентликнинг умумий моҳияти 1-расмда изоҳланган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги элементлари (ижтимоий фаоллик, маданиятлилик, ўзига ҳослик, ўз-ўзини ривожлантириш, коммуникативлик) таҳлил қилинган.

Бобнинг иккинчи параграфида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашга доир хорижий тажрибалар таҳлили баён этилган. Таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари, Н.Жаксон ва Х.Лунднинг “концептуал тизими”, TUNING (Европа худудидаги ОТМ таълимий тузилмаларини созлаш) лойиҳаси доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида, бўлажак

мутахассислари (битирувчилари) эгаллаши лозим бўлган компетенция/компетентлик турларининг гуруҳи, Ўзбекистон ва дунёнинг ривожланган давлатларининг давлат таълим стандартларидаги таянч компетенцияларининг қиёсий таҳлили келтириб ўтилган.



### 1-расм. Профессионал-коммуникатив компетентликнинг умумий МОҲИЯТИ

Диссертациянинг 1.3 параграфи “Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг бугунги кундаги мавжуд ҳолати” деб номланиб, унда тажриба синов ишлари объекти сифатида танлаб олинган 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) йўналиши ва 5110900- Педагогика ва психология таълим йўналиши битирувчилари мисолида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг бугунги кундаги мавжуд ҳолати очиб берилди, тажриба-синов ишларининг дастлабки, таъкидловчи босқичида амалга оширилган ишлар мазмуни келтирилди. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) ва 5110900 - Педагогика ва психология таълим йўналиши бўлажак мутахассисларининг малака талабига биноан мажбурият ва вазифаларини қуйида қиёсий таҳлил қилинди (1-жадвал):

Параграф мазмунидан англашиладики, 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) йўналиши битирувчилари ҳам, 5110900- Педагогика ва психология таълим йўналиши бўлажак мутахассислари ҳам ўз касбий фаолияти давомида ўхшаш профессионал-коммуникатив компетентликка эҳтиёжлари бор.

Мазкур параграфда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-компетентлигини касбий ва шахсий сифатларнинг интеграцияси маҳсули сифатида кўриб чиқилган. Ушбу интеграция касбий фаолият учун зарур бўлган компонентлар бирлигида (когнитив-гносеологик, фаолиятли-эвристик, шахсий-ижтимоий) намоён бўлиши, илмий тадқиқот давомида

мазкур йўналишлар ДТС, малака талаблари, ўқув жараёни мазмуни, ўқув режалари, фан дастурлари, ўқув-методик-дидактик таъминоти билан яқиндан танишиб чиқилгани, таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар ёритилди.

### 1-жадвал

**5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) ва 5110900 - Педагогика ва психология таълим йўналиши бўлажак мутахассисларининг малака талабига биноан мажбурият ва вазифалари**

	<b>5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили) йўналиши бўлажак мутахассислари</b>	<b>5110900- Педагогика ва психология таълим йўналиши бўлажак мутахассислари</b>
<b>Касбий фаолияти таснифи:</b>	умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб ҳунар таълими муассасаларида хорижий тил ва адабиётга оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш ҳуқуқига эгадирлар	таълим ташкилотларида фаолият юритиши ва техникумларда касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериши ҳуқуқига эгадирлар.
<b>Касбий фаолияти–нинг объектлари:</b>	битирувчи ўқитилаётган чет тили хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялаш учун тайёр бўлиши лозим, ижтимоий ҳаётга мослашув, шахсининг умумий маданиятини шакллантириши лозим. Шунингдек, таълим жарёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари, таълимнинг назарий масалалари ва ўқитиш методикасини эгаллаган бўлиши даркор.	педагогик фаолиятда педагогика ва психология, методика фанларини ўқитишда наъмунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш, ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш малакаларини эгаллашлари лозим.
<b>Касбий фаолияти–нинг турлари:</b>	– педагогик; – илмий-тадқиқот; – маънавий-маърифий; – ташкилий-бошқарув.	– педагогик; – илмий-тадқиқот; – маънавий-маърифий; – ташкилий-бошқарув.

Диссертацияда биринчи боб мазмуни юзасидан бир қатор хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик жиҳатлари**” деб номланган бўлиб унда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари келтириб ўтилди.

Хорижда бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив малакаларини шакллантиришга ёрдам берувчи замонавий методларнинг 4 та туркуми (анъанавий–дидактик методлар; анъанавий–моделлаштириш методлари; бошқарувли–ноанъанавий ёки интерактив методлар; диалогик–

ноанъанавий методлар)га тўхталиб ўтилади, “Сугестопедия”, “Jigsaw reading”, “Socratic seminar”, “Philosophical chair” методлари тавсифи келтирилди.

Шунингдек Фарб педагогикасида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив малакаларини шакллантиришга ёрдам берувчи таълим методларининг тўрт оиласи (гурухи) ажратиб кўрсатилади (JOYCE & WEIL бўйича), таълим методларининг иерархик пирамидасини таҳлил этиш орқали хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган методлардан наъмуналар келтирилди, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда коммуникатив тренинглардан фойдаланиш ҳамда, уларнинг ахборотларни қидириш, саралаш ва уларни талабаларга етказа олиш кўникмасини ривожлантиришда googlescholar, elibrary, sciencedirect, scopus ҳалқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари аниқлаштирилди.

Параграф мазмунидан англашиладики, илмий-тадқиқот ишларига талабаларни эрта жалб этиш, бўлажак мутахассисларда ҳалқаро маълумотлар базасидан фойдаланиш кўникмаларини талабалик даврдан шакллантириш, сифатли маълумотлар билан ишлаш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш жараёнида плагиатга йўл қўймаслик кўникмасини шакллантириш, муаллифлик ҳуқуқини бузмаслик ва иқтибосларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларини шакллантириш бўлажак мутахассислар профессионал-коммуникатив малакаларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иккинчи бобда баён этилган материаллар асосида бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив малакаларини ривожлантириш модели қуйидагича келтирилган (2-расм):

Бобнинг мазмуни юзасидан бир қатор хулосалар чиқарилган.

Диссертация ишининг учинчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланади. Ушбу бобда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ҳамда олиб борилган эксперимент ишларининг таҳлили амалга оширилган.

Тажриба-синов ишлари давомида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш учун икки гуманитар таълим йўналиши талабалари: 5111400 (Хорижий тил ва адабиёти) ва 5110900 (Педагогика ва психология) йўналиши талабалари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган.

Тажриба-синов ишларининг босқичлари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган (Асос: ОАК раёсатининг 162/7 қарори):

1. Ташхис ва башорат қилиш босқичи:

Педагогик диагностика объекти сифатида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Навоий давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти белгиланган. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир назарий ва амалий ишлар режалаштириб олинган.



Тажриба-синов ишларининг мақсади, илмий фарази ҳамда вазифалари қуйидагича белгиланган:

Тажриба-синов мақсади – бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш ва унга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш деб белгиланган.

## 2. Ташкилий-тайёргарлик босқичи:

Тажриба-синов майдони сифатида танланган ОТМларда тахсил оладиган икки таълим йўналиши талабалари 5111400 (Хорижий тил ва адабиёти) ва 5110900 (Педагогика ва психология) йўналиши талабалари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган. Педагогик жараён тавсифи бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун белгиланган. Педагогик тажриба-синов ишлари ташкилий таъминоти ва методик таъминоти ишлаб чиқилган.

## 3. Амалий босқич:

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлаш юзасидан таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажриба синов ишлари амалга оширилган. Тажриба-синов ишлари тажриба гуруҳларида босқичма-босқич олиб борилган.

## 4. Умумлаштирувчи босқич:

Тажриба-синов ишларини натижалаш алгоритми ишлаб чиқилган ва ОТМ ҳаётига татбиқ этилган. Тажриба-синов ишларининг натижаларига асосан таълим жараёнининг ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар берилган. Натижада бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг янги механизми ишлаб чиқилиб, амалиётда ижобий натижаларни берган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқловчи меъзонлар қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

Ўз билимларини ўқувчиларга етказа олиш кўникмаси;

Ўқувчилар билан самарали ва тўсиқсиз мулоқот қила олиш кўникмаси;

Ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантириш кўникмаси;

Нутқ маданияти, сўзамоллик;

Таълим жараёни бошқа қатнашчилари билан алоқа ўрнатиш;

Янги муҳитга осон мослашиш кўникмаси;

Ахборотларни қидириш, саралаш ва баҳолаш кўникмаси;

Халқаро илмий маълумотлар базаси орқали бошқа тадқиқотчиларнинг изланиш натижаларини кузатиб бориш кўникмаси;

Мулоқот вазиятини идрок этиш ва тўғри баҳолаш кўникмаси;

Назарий билимларини амалиётда қийинчиликсиз қўллай олиш малакаси;

Ўқувчиларни мустақил ишлашга, креатив фикрлашга йўналтира олиш;

Эмпатия ва рефлексия кўникмалари.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва

назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъудентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синов жами 546 нафар талабаларда ўтказилди. Шундан, тажриба гуруҳида 267 нафар талабалар иштирок этган бўлса назорат гуруҳида 279 нафар талабалар иштирок этди.

#### 4-жадвал

### Тажриба-синов даврида тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабалар ўзлаштиришининг якуний натижалари кўрсаткичлари

Профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлаш компонентлари	Гуруҳлар	Талабалар сони	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
			Ўзлаштириш даражалари					
			Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Когнитив-гносеологик	ЎзДЖТУ	78 / 80	32	29	17	18	30	32
	НавДПИ	63 / 58	26	24	13	13	21	24
	ФарДУ	65 / 73	27	25	13	17	27	29
	СамДЧТУ	61 / 68	25	23	13	16	25	27
<b>Жами:</b>		<b>267 / 279</b>	<b>110</b>	<b>101</b>	<b>56</b>	<b>64</b>	<b>103</b>	<b>112</b>
Фаолиятли-эвристик	ЎзДЖТУ	78 / 80	34	32	12	20	31	29
	НавДПИ	63 / 58	27	26	10	15	22	21
	ФарДУ	65 / 73	28	27	10	18	29	26
	СамДЧТУ	61 / 68	26	24	11	17	27	24
<b>Жами:</b>		<b>267 / 279</b>	<b>115</b>	<b>109</b>	<b>43</b>	<b>70</b>	<b>109</b>	<b>100</b>
Шахсий-ижтимоий	ЎзДЖТУ	78 / 80	31	35	12	17	33	30
	НавДПИ	63 / 58	25	28	10	13	23	22
	ФарДУ	65 / 73	26	29	10	16	29	28
	СамДЧТУ	61 / 68	25	28	8	15	27	26
<b>Жами:</b>		<b>267 / 279</b>	<b>107</b>	<b>120</b>	<b>40</b>	<b>61</b>	<b>112</b>	<b>106</b>

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадвалга асосан талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланади.


Юқоридаги жадвал кўрсаткичларига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш даражаси натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттираемиз:

### 5-жадвал


#### Талабаларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Компонентлар	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Когнитив-гносеологик	Тажриба гуруҳи	267	110	101	56
	Нazorат гуруҳи	279	64	103	112
Изланишли-эвристик	Тажриба гуруҳи	267	115	109	43
	Нazorат гуруҳи	279	70	109	100
Шахсий-ижтимоий	Тажриба гуруҳи	267	107	120	40
	Нazorат гуруҳи	279	61	112	106


Бу танланмаларга мос келган диаграммалар қуйидагича кўринишни олади:



1-расм. Когнитив-гносеологик компонентда.



2-расм. Фаолиятли-эвристик компонентда.



**3-расм. Шахсий-ижтимоий компонентда.**

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс эттирилди (2-сатр - Когнитив-гносеологик компонентда, 3-Фаолиятли-эвристик компонентда ва 4- сатр Шахсий-ижтимоий компонентда):

**6-жадвал**

**Тажриба-синов ишларининг якуний натижалари бўйича кўрсаткичлар таҳлили:**

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2,2	1,83	0,58	0,6011	2	3	5,52	562,5	0,09	0,09
2,27	1,89	0,5171	0,5979	2	2	6,03	551,7	0,09	0,09
2,25	1,84	0,4875	0,5744	2	2	6,61	543,2	0,08	0,09

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Когнитив-гносеологик компонентда:

Маълумки,  $\bar{X}=2,2$ ;  $\bar{Y}=1,83$ ;  $\Delta_x=0,09$ ;  $\Delta_y=0,09$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,2 - 0,09}{1,83 + 0,09} = \frac{2,11}{1,92} = 1,1 > 1;$$

$$K_{bob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,2 - 0,09) - (1,83 - 0,09) = 2,11 - 1,74 = 0,37 > 0;$$

Изланишли-эвристик компонентда:

Маълумки,  $\bar{X}=2,27$ ;  $\bar{Y}=1,89$ ;  $\Delta_x=0,09$ ;  $\Delta_y=0,09$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,27 - 0,09}{1,89 + 0,09} = \frac{2,18}{1,98} = 1,1 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,27 - 0,09) - (1,89 - 0,09) = 2,18 - 1,8 = 0,38 > 0;$$

Шахсий-ижтимоий компонентда:

Маълумки,  $\bar{X} = 2,25$ ;  $\bar{Y} = 1,84$ ;  $\Delta_x = 0,08$ ;  $\Delta_y = 0,09$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,25 - 0,08}{1,84 + 0,09} = \frac{2,17}{1,93} = 1,12 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,25 - 0,08) - (1,84 - 0,09) = 2,17 - 1,75 = 0,42 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентликни ривожлантириш механизмлари самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлган.

### УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР:

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- амалга оширилган тажриба-синов ишлари – бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилди, бу бўйича мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланилди ва улар оммалаштирилди;

- бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакл, метод ва воситалари тизимлаштирилди ва профессионал-коммуникатив компетентликни ривожлантириш моделининг имкониятлари амалиётга жорий қилинди ва бунда педагогик туркум фанлар имкониятларидан кенг фойдаланилди;

- бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт шароитлари оммалаштирилди, олий таълим тизимида хусусан бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ва педагог психологларни тайёрлаш (профессионал, методик, педагогик ва психологик жиҳатдан) борасида ижобий натижаларга эришилди ва олий таълимда бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини

ривожланганлик даражаси сифат ва миқдор жиҳатдан ортганлиги исботланди.

– Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлиги ривожланганлик даражалари аниқлаштирилди ва мезонлари ишлаб чиқилди.

Бўлажак ўқитувчиларни профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида **қуйидаги тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда умумкасбий фанлар блокига киритилган фанлар имкониятларидан тўла фойдаланиш, уларнинг мазмунини хорижий тажрибалар асосида бойитиш;

2. “Умумий педагогика” фанлари мазмунини лингводидактик ва коммуникацион метод ва методикалар билан бойитиш, уларни амалиёт билан интеграциясини таъминлаш;

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш мақсадида замонавий педагогик технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, маълумотларни шунчаки ўзлаштириш эмас, балки қайта ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда танқидий фикрлашга йўналтирилган технологиялардан самарали фойдаланиш;

4. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив кўникмаларини шакллантириш мақсадида психологик ва коммуникатив тренинглар имкониятларидан фойдаланиш;

5. Фаолиятли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Бунда бўлажак мутахассислар нафақат зарурий билимларга эга бўлиши, балки зарур вақтда уларни амалда қўллай олиш кўникамаларига ҳам эга бўлишлари даркор.

6. Бўлажак ўқитувчиларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантириш жараёнида халқаро илмий маълумотлар базаси (googlescholar, elibrary, sciencedirect, scopus) имкониятларидан фойдаланиш, бўлажак ўқитувчиларга талабалик давриданок сифатли ахборот манбааларида ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

7. Курс иши, битирув малакавий иши, фанлар бўйича мустақил ишлар, уйга вазифалар топшириқларини шакллантиришда продуктив таълим методлари ва халқаро илмий маълумотлар базаси имкониятларидан фойдаланишга қаратилган вазифалар ва кейслар банкини шакллантириш;

8. Амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни, профессионал-коммуникатив сифатларини шакллантиришга йўналтириш;

9. Ихтисослик фанлари ва умумкасбий фанлари мазмунини замонавий коммуникация технологияларига оид билимлар ва кўникмалар билан бойитиш;

10. Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, уларни статистик, техник ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш механизмларини яратиш, бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.01.2020.Ped.02.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**ЯДГАРОВА ОЗОДА ИБРАГИМОВНА**

**МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-  
КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ**

**13.00.01- Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан на B2022.1.PhD/Ped1316**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Ибраимов Холбой Ибрагимович,**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Тайланова Шохид Зайниевна**  
доктор педагогических наук, доцент

**Шарипова Сурайё Бурхановна**  
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2010. Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар 15, тел. ((0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №\_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар 15, тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ года).

**М.М.Махмудова**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD)  
по педагогическим наукам,

**Н.Шодиев**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Образование в мире рассматривается как главная движущая сила развития и вид деятельности, позволяющий достигать целей устойчивого развития, на разных этапах профессиональной деятельности педагогических кадров вопрос оценки их профессиональных навыков и коммуникативных умений становится одной из важнейших проблем. Особенно изменение формы обучения в образовательных учреждениях, необходимость работы в новых условиях и среде вызвали повышение требований на профессиональную деятельность учителей, увеличение их функциональных обязанностей и расширение профессиональных и коммуникативных навыков.

Во всем мире проводятся исследования, направленные на подготовку учителей к профессиональной деятельности и повышение их престижа в обществе, формирование компетенций, связанных с профессионально-педагогической деятельностью. В частности, особое значение имеют результаты исследования, которые направлены на подготовку преподавателей к профессиональной деятельности, формирование у них необходимых профессиональных качеств и умений, развитие профессиональной зрелости, также формирования профессиональной компетентности педагогов, их подготовки к профессиональной деятельности. Следовательно, возникает необходимость уточнения содержания качества образования, общей и специальной компетентности, инструментальной, межличностной и системной компетенций как приоритетных направлений развития профессионально-коммуникативной компетентности будущих педагогов.

Государственная политика нашей страны, направленная на достижение конкретной цели в области образования, признана одним из приоритетов развития социального общества. Определены такие “приоритетные задачи, по кардинальному улучшению качества образования, повышению качества образования в школах, доведению знаний и квалификации педагогических кадров до международного уровня, разработке целевой программы по вхождению высших учебных заведений в международные рейтинги QS и ТНЕ”, и имеет важное значение научно обосновать обучение молодежи, развитие ее речевых навыков, подготовка будущих учителей как специалистов, полностью отвечающих мировым стандартам, формирование у них профессионально-коммуникативной компетентности, механизмов развития творческого потенциала и педагогического мастерства.

Настоящая диссертация в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5847 от 8 октября 2019 г. «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3775 от 5 июня 2018 г. «О дополнительных мерах по повышению качества

образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», ПП-2909 от 20 апреля 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления республиканского развития науки и техники I. «Социально-правовое, экономическое, культурно-духовно-образовательное развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы подготовки учителей к профессиональной деятельности, формирования у них необходимых профессиональных качеств и навыков изучались такими учеными республики как Э. Зеер, В. Сериков, Х. Абдукаримов, Н. Алимов, Н. Муслимов, Ш. Шарипов, Я. Хайдаров, О. Хайдарова, Н. Сайидахмедов. В исследованиях таких ученых как Дж. Джалолов, Г. Бакиева, Т. Сатторов, Г.Т. Махкамова, Л.А. Ахмедова, У. Хошимов, И. Ёкубов, С. Мусинов, Л. Киркхам, М.Т. Ирискулов, Ф. Рашидова всесторонне освещены проблемы, связанные с методикой преподавания иностранных языков.

Сущность эффективных технологий обеспечения профессионального развития будущих учителей отражена в исследованиях Н.Н. Азизходжаева, Н.М. Боритко, С.С. Булатова, М.Г. Давлетшина, Э. Рузиева, Н.К. Сергеева, У.К.Толипова, Ф.Р. Юзликаева, Н.М. Эгамбердиева.

Этот вопрос также изучался группой ученых из стран СНГ. Например, подробно интерпретированы такие вопросы как профессиональная компетентность учителей (А.Л. Бусыгина, А.А. Воротникова, Е.С. Врублевская, О.Н. Загора, А.В. Ефанов, Ю.В. Койнова, Н.В. Матяш, С.В. Мелешина, Г.С. Сухобская, Н.В. Харитоновна, В.И. Юдин); профессионально-педагогическая компетентность (Н.Н. Лобанова); психолого-педагогическая компетентность (Н.В. Остапчук).

А также концепции формирования профессионального мастерства педагога (П.Р. Атутов, Е.А. Гришин, Ю.К. Васильев, В.А. Крутецкий, Н.В. Кузьмина, Л.М. Митина, В.А. Слостенин, А.И. Щербаков); психологические теории, освещающие формирование личности и ее сущность (А. Абульханова-Славская, М.Г. Давлетшин, В.С. Ильина, В. Каримова, А.Н. Леонтьев, Д.А. Леонтьев, В.С. Мерлин, С.Л. Рубинштейн, Г.Б. Шоумаров, Д.Б. Эльконин), также направлены на подготовку учителей к профессиональной деятельности.

